O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 2 июнь, чоршанба • № 44 (11.127) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ ИЧИМЛИК СУВ ВА ТАБИИЙ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Қуйидагилар:

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган топшириқлар;

қишлоқ аҳоли яшаш жойлари рўйхати ва уларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашнинг белгиланган муддатлари тасдиқлансин.

2. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, лойиҳалаштириш ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилда республика қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини 85 фоизгача ва табиий газ билан қамраб олиш даражасини 82 фоизгача етказишни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1 октябригача — 2010 йилгача бўлган даврда сув билан таъминлаш ва шу йил 1 декабргача — газлаштириш, шунингдек мазкур қарорга иловаларда назарда тутилган кўрсаткичларни бажариш минтақавий ва республика схемаларини ишлаб чиқсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари республика ва минтақавий схемалари асосида:

1999 йил 1 декабргача бўлган муддатда — қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва 2000 йил 1 мартгача бўлган муддатда — табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ҳар йили аниқлаштирсинлар ва республика инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

ҳар йилги инвестиция дастурларини шакллантиришда маҳаллий бюджетлар, ташкилотлар ва корхоналар, аҳоли маблағларини, хорижий инвестицияларни ва бошқа манбаларни жалб қилишни ҳисобга олиб, маблағ билан таъминлаш манбаларини белгиланган ҳолда, мазкур қарор ва минтақавий дастурлар кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини белгиланган тартибда назарда тутсинлар;

инвестициялар ва грантларни, шунингдек қишлоқда сув ва газ таъминотини ривожлантириш учун имтиёзли шартларда кредитлари жалб қилиш бўйича халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар.

5. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш йўли билан ичимлик сув таъминоти соҳасида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ва минтақавий ва минтақалараро магистрал сув қувурларидан фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқлансин.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда комиссия таркибида қишлоқ аҳоли яшаш жойларини газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш бўйича иккита ихтисослаштирилган ишчи гуруҳ тузсин;

қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш ва магистрал сув қувурларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни ташкил этсин, ушбу ишларнинг 1999 йил 1 октябргача тугалланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурлари бажарилиши устидан мониторингни амалга оширсин ва уларнинг натижаларини ҳар чоракда ўз йиғилишларида кўриб чиқсин.

7. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурларини амалга оширишда фаол қатнашаётган қишлоқ туманларини рағбатлантириш мақсадида ҳисобот йилида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва уй-жой фондини табиий газ билан қамраб олиш даражаси ўсишининг энг юқори фоизи учун учтадан ҳар йили бериладиган республика мукофотлари белгиласин.

Белгиласинки:

мансабдор шахслар — туман ҳокими, туман ҳокимининг коммунал хизмат кўрсатиш масалаларига мутасаддилик қилувчи ўринбосари, туман коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, газ таъминоти туман корхоналари, «Сувоқова» туман бўлинмалари, газ қувурлари ва сув қувурлари тармоқлари қурилишини амалга ошираётган пудрат ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари;

ташкилотлар — газ таъминоти туман корхонаси, «Сувоқова» туман бўлинмаси (участкаси), пудрат қурилиш ташкилоти мукофотланади, маблағлар алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Ҳар йили тўланадиган республика мукофотлари миқдори белгиласин. Республика бюджети маблағлари республика мукофотларини тўлаш манбаи этиб белгиласин.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда аҳоли яшаш жойларини газ ва сув билан таъминлаш дастурлари муваффақиятли амалга оширилганлиги учун қишлоқ туманларини мукофотлаш шартлари ва тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Фанлар Академияси билан биргаликда олис, бориш қийин бўлган ва аҳолиси сийрак жойлашган қишлоқ аҳоли яшаш жойлари сув ва энергия таъминоти муаммоларининг тежамли техник ечимлари бўйича 3 ой муддатда тавсияномалар тайёрласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари кўрсатиб ўтилган тавсияномаларга мувофиқ бориш қийин бўлган, олис ва аҳолиси сийрак жойлашган қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва энергия таъминотининг мукобил манбалари билан таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 мартдаги 117-сон қарорига 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 июнь.

Вилоят ҳокимлигида

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҳамма соҳаларда ислоҳотлар жараёни чуқурлашиб бормоқда. Ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, жамиятнинг маънавий, ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш ислоҳотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундан кўзланган мақсад бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш, энг муҳими, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборатдир.

Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришишимизда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг фаол иштирокчисига айланиши, ҳар бир қонуннинг кишилар онгига сингиб бориши катта аҳамиятга эга.

Хўш, тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан бораётган республикамизда юқоридаги масалаларга қандай эътибор берилмоқда? Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик, жамият ва қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг мустақилликнинг моҳиятини теран англашини таъминлаш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини янада яхшилаш борасида олдимизда қандай вазифалар турипти?

Шу йил 29 май куни вилоят ҳокимлигида «ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ»га бағишлаб ўтказилган вилоят конференциясида ана шу мавзу кенг муҳокама этилди.

Анжуманда вилоят ҳокими муовинлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, суд, адлия, прокуратура, ички ишлар идораларининг раҳбарлари, адвокатлар коллегиясининг раислари, ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлим ва бўлинмалари бошлиқлари, олий ва ўрта ўқув юртлари, халқ таълими тизими раҳбарлари, «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» республика жамғармалари вилоят бўлимлари раислари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияни Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Вилоят ҳокимининг анжуманнинг асосий мақсади ҳақида тўхталиб, айтган қуйидаги фикрларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Мамлакатимизда адолат тамойилларини қарор топтириш учун уч муҳим субъект — давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги уйғун қонуний муносабатлар асос бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ҳуқуқий жамият қуриш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини кишилар чуқур англаб етишларига ҳар томонлама кўмаклашиш давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари, кенг жамоатчилик ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқий тарбия савиясини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг замирида жуда чуқур маъно бор. Президентимиз «Мустақиллик — бу ҳуқуқдир» деганларида айнан адолатли жамият барпо этиш, фуқароларнинг эрк ва ҳуқуқлари таъминланган мамлакат қуриш, ҳамма соҳада қонун устуворлигига эришиш, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниб етишларига эришишни назарда тутган эдилар. Айни чоғда мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёни маҳаллий шароит ва аҳоли ҳуқуқий саводхонлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошмоғи керак.

Анжуманда бу борада жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига, тадбирлар ишлаб чиқилаётганлигига қарамасдан ишларнинг қониқарли эмаслиги очиқ-ойдин айтилди. Шундай фактлар келтирилди. Мамлакатимиздаги мавжуд қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни билмаслик оқибатида одамлар билиб билмай жиноятга қўл урмоқдалар. Масалан, яқинда вилоятда ўтказилган текширишлар натижасида шаҳар ва туманлардаги қатор ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла кўмиталарининг кам таъминланган оилалар, 16 ёшгача болалар учун ва бошқа мақсадларга ажратилган нафақаларни беришда турли қонунбузарликларга ва суиистеъмолликларга йўл қўйилганликлари аниқланди. Таҳлил шуни кўрсатдики, бу иш билан шуғулланаётган масъул ходимлар қонун ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмайдилар. Натижада уларнинг айримлари жиноий жавобгарликка ҳам тортилди.

(Давоми 3-бетда).

ҒАЛЛАЧИЛИК: ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

КЕЙИНГИ йилларда ғалла ўрим-йиғими олдидан республика ҳукуматининг ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашга қаратилган қарорини эълон қилиш яхши анъанага айланиб қолди. Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги бу йилги қарори эса ғаллакорларга кўпгина енгилликлар яратиб берилгани билан аввалгиларидан ажралиб туради.

Муносабат

Хусусан, бу йилги мавсумда дон комбайнларининг гуруҳ бўлиб, кечаю-кундуз ишлашини таъминлаш вазифаси қатъий қилиб қўйилган. Иш шундай тартибда ташкил этилганда, биринчидан, комбайнларнинг юксак унум билан ишлашини назорат қилиш имконияти яратилади. Иккинчидан, уларга бир ерда, бевосита ғаллазорнинг ўзида техника хизмати кўрсатилади. Ўриб-янчилган донни пешма-пеш ташиб олишда транспорт воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланилади. Қолаверса, гуруҳлар ҳосили айни пишган майдонларда навбати билан ўтиб ишлайди ва натижада ғалла сифатли бўлади. Бу усул, айниқса, уруғлик ғаллани ўриб-янчишда жуда қўл келади.

Қарорда ўрим-йиғимни ҳар томонлама пухта уюштириш ва ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олишда асосий масъулият ҳокимликлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилди. Бу бежиз эмас. Чунки, мавжуд дон комбайнлари, транспорт воситалари, ишчи кучлари ғалла ўримига тўла сафарбар этилмаса, уларнинг узлуксиз ишлашларини таъминлаш учун етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар ғамлаб қўйилмаса, аввалги йилларда бўлганидек, ўрим мавсуми чўзилиб кетади, боз устига пишиб кетган доннинг анчагина қисми ерга тўкилиб, нобуд бўлади. Қарорда таъкидланганидек, ўрим-йиғимга сафарбар этиладиган барча техника воситаларини ҳозирданоқ текширувдан ўтказиб, камчиликларининг ўрнини тўлдириб қўйиш зарур. Шунингдек, комбайнчиларни, транспорт воситалари ҳайдовчилари, уларга техник хизмат кўрсатувчи ходимлар, ўрим-йиғимда қатнашувчи бошқа барча ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириб боришга доир чора-тадбирларни олдиндан белгилаб олиш ва ҳар бир иштирокчига етказиш муҳимдир.

Бу йил ўрим-йиғим қатнашчиларига мавсум бошидан бошлаб ҳар беш кунлик иш якуни бўйича ҳақ тўлаб боришни қатъий жорий этиш ҳукумат қарорида аниқ белгилаб қўйилди. Бунинг учун «Ғалла-банк», «Пахта-банк» ва бошқа тижорат банкларига дон етиштирган хўжаликлар ҳамда жойлардаги машина-трактор паркларини беш кунликлар якунига қараб, нақд пул билан узлуксиз таъминлаб туриш вазифаси юклатилди. Пул маблағлари Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда пахта хом ашёси ва бошоқли экинлар дони харид нархлари ҳамда ички хўжалик иқтисодий механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 15 майдаги 248-қарорида назарда тутилган нархлар бўйича ажратилиши ҳам ҳукумат қарорида алоҳида таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бу йил меҳнатга бевосита маҳсулот билан ҳақ тўлаш ҳисобидан дон беришга ҳам рухсат этилади. Бу борада ягона шарт шуки, аввал, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига дон сотиш юзасидан тузилган шартномани бажариш, уруғлик заҳирасини ғамлаб олиш ҳамда маҳсулотни кирим қилиш лозим бўлади.

Хўжаликлар билан машина-трактор парклари ўртасида ўрим-йиғим ишлари юзасидан бўладиган ҳисоб-китобларга ҳам қулай янгилик киритилган. Яъни ушбу ҳисоб-китоб ҳам пул маблағи ўрнига бевосита дон бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бунда давлат ресурсларига дон сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган хўжаликлар ўз ихтиёрида қолган донни аввал дон маҳсулотлари тайёрлаш корхоналарига шартномавий нархларда топширадилар ва шундан тушган маблағларни машина-трактор паркига ўтказадилар.

Эндиликда ўрилган донни қабул пунктларига ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси томонидан тўланиши ҳам хўжаликлар учун янги қулайликдир.

Ҳукумат қарорида келгуси йил ҳосили учун етарли миқдорда уруғлик ғамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, бу йилги мавсумда уруғлик донни контрактация шартномалари бўйича «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига сотиладиган умумий дон ҳажми ҳисобига топшириш қатъий тақиқланади. Хўжаликларга эса ўзлари етиштирган ҳосилдан ўз эҳтиёжлари учун етарли уруғлик ғамлаб олиш имконияти берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уруғлик ғамлаш бўйича белгиланган тартиб-қоидани бузган шахслар республика қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Ҳозир вилоятимизда аҳвол қандай? Ғаллакорларимиз мавжуд 526та дон комбайнининг ҳаммасини барвақт созлаб қўйдилар. Бир-икки кун ичида яна 30та «Кейс» русумли комбайнлари етиб келиши керак. Ўрим-йиғимда жами 556та комбайн иштирок этиши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг Вазирлар Маҳкамаси қарорини жойларда тўла-тўкис ижро этишга қаратилган қарорида ҳам ҳар бир комбайннинг кунлик иш меъёри белгилаб қўйилди. Масалан, Россия комбайнлари учун кунига 5 гектар, «Кейс»лар учун 25 гектар. Мақсад — 115 минг гектар майдондаги дон ҳосилини 25 иш кунида ўриб-янчиб олишдир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори эса мавсумни тез ва қисқа муддатларда муваффақиятли якунлашда катта имкониятлар яратиб берилиши шубҳасиз.

Самад ЙЎЛДОШ.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

САККИЗ ЙИЛ... Истиқлол ва истиқбол, ўтмиш, ҳозир ва келажак, замон, вақт, макон силсилаларида ўта қисқа мезондир. Бироқ, шу ораликда янги жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёти гарови бўлган янгича шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гурҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муносиб ўринга қўйилди. Саккиз йил ичида истиқлолимизни мустаҳкамлаш, унинг пойдеворини вужудга келтириш борасида оламшумул ютуқларга эришдик...

2-бет

Огоҳликка даъват

ТОЖИКИСТОННИНГ БЕҲАЛОВАТ КУНЛАРИ

Бирлашган тожик мухолифати (БТМ)нинг мақсади нима? Унинг ортида қандай кучлар ва манфаатлар мавжуд? Диний ақидапарастлик минтақамизга қандай хавф туғдирмоқда?

Тожикистондаги вазият кейинги кунларда янада кескинлашди. Айтиш мумкинки, ўта қалтис сиёсий иқлим юзага келди. Бу вазият нафақат тожик халқи, балки қўшни мамлакатларни ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Тожикистонда содир бўлаётган воқеалар, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг таранглашуви соғлом фикрли ҳар бир кишини, табиийки, безовта қилмоқда.

Қўшни мамлакатда нималар бўляпти ўзи?

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, Бирлашган тожик мухолифати (БТМ)нинг Миллий яраш комиссиясидаги аъзолари ўз фаолиятларини тўхтатишган. Мухолифат бошлиғи Саид Абдулло Нурий бу ҳақда Президент Имомали Раҳмонов номига ультиматум берган. Унда бугунги кунда амалга ошириб бўлмайдиган қатор талаблар қўйилган.

БТМ раҳбарининг бу ҳаракати Тожикистонда сиёсий вазиятни яна қалқитиб юборди. Муаммони тинч ҳал этилишига хавф туғдирди. Хўш, бу талаблар нималардан иборат?

Газетхонга аниқроқ бўлиши учун эслатиб ўтмоқчимиз. Бундан бир неча кун муқаддам Бирлашган тожик мухолифати бошлиғи Саид Абдулло Нурий хорижий мамлакатлардан бирида икки ой «даволаниб» қайтгач, бирданига янги талабларни ўртага ташлади.

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, Нурий мухолифат учун Тожикистон ҳукуматида 30 фоиз квота берилиши тўғрисидаги келишув тезда бажарилишини талаб қилмоқда. Нурий шунингдек, бу ультиматумда жумладан, Бирлашган тожик мухолифати куролланган тўдалари бошлиғи Мирзо Зиёевни Республика мудофаа вазири этиб тайинлаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Бу ҳам етмагандек, барча маҳаллий ҳокимият, давлат бошқарув ва молия органларида ҳамда Тожикистоннинг хориждаги дипломатик ва бошқа ваколатли тизимларида мухолифат тарафдорларига 30 фоиз ўрин берилиши шарти қўйилган. Бундан ташқари, мухолифат жиноий жавобгарликка тортилган ўз одамларидан 93 кишини озод этишни талаб қилмоқда.

Саид Абдулло Нурий имзолаган ультиматумда 2000 йилга мўлжалланган парламент сайловларини 1999 йилиёқ ўтказиш зарурати ҳам таъкидланган. Ҳолбуки, бундан олдинроқ Имомали Раҳмонов Президент сайловлари шу йилнинг 6 ноябригача, янги парламент сайловлари эса 2000 йилнинг февраль ойидан кечиктирилмасдан ўтка-

(Давоми 3-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ЎЗБЕКИСТОН тарихидаги буюк сана яқинлашмоқда. Шу йил 1 сентябрида республикамиз мустақил деб эълон қилинган кунга 8 йил тўлади.

1991 ЙИЛНИНГ 31 АВГУСТИ.

Мазкур сана она-Ватанимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битилди. Мана, ўша кездан буён орадан салкам саккиз йил вақт ўтмоқда. Ўша қисқа муддат мобайнида мамлакатимиз қаддини обдон ростлади, миллий давлатчилигимиз тикланди, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий салоҳиятларимиз қудрати ростмана бўй кўрсатди. Асосийси, нафақат ҳаёт тарзимиз, билакс, ўзимиз ҳам ўзгардик. Амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар, кўп қамровли ислоҳотлар, миллий қадриятларимизни қайта тавалуд топтириш, мафкура, маориф, таълим-тарбия, тафаккур юритиш борасидаги инқилобий дастурил-амаллар кундалик турмушимизнинг шакл ва тамойилини батамом ижобий йўналишларга буриб юборди.

САККИЗ ЙИЛ... Истиқлол ва истиқбол, ўтмиш, ҳозир ва келажак, замон, вақт, макон силсилаларида ўта қисқа мезондир. Бироқ, шу ораликда янги жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёти ғарови бўлган янгича шарт-шароитлар яратилди. Республикамиз аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муносиб ўринга қўйилди. Саккиз йил ичида истиқлолимизни мустаҳкамлаш, унинг пойдеворини вужудга келтириш борасида оламшумул ютуқларга эришдик. Жумладан, давлатчиликнинг асосий тимсоллари — ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Туғромизга, Мадҳиямизга эга бўлдик. Ўзбекистонимиз 1992 йилнинг 2 мартида энг нуфузли халқаро ҳамжамият — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Кейинги йилларда республикамизни 150дан зиёд хорижий мамлакатлар тан олди. Ўнлаб давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Пойтахтимизда қатор давлатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари очилди. Ўзбекистон Хельсинки шартномасига имзо чекди ва Оврупо қитъасига йўл очди. Жаҳондаги бошқа манаман деган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари ҳам Ўзбекистонни ўз сафларига қўшди.

Бундай музаффариятлар дастлабки кунларданоқ мустақил равишда ички ва ташқи сиёсат юргизганлигимизнинг моҳиятини белгилади. Мамлакатимизнинг доҳилий ҳаётида тинчлик, осойишталик, тотувлик, ҳамжиҳатлик тамойилларининг қарор топиши барча соҳалардаги ғалабаларимиз самарасини нақд қилди. Шундай муҳитда бунёдкорлик, яратувчилик саъй-ҳаракатлари баравж тус олди. Амалга оширилаётган кўп қиррали ислоҳотларимиз ўзининг тотли меваларини бера бошлади. Бу жараёнларнинг ҳаммасида ўзбек халқининг ўзига хос ва ўзига мос йўли, миллий-тарихий турмуш тарзи, азалий ва абадий урф-одатлари, шарқона анъаналари, одамларимизнинг тафаккур юритиш андозалари устувор бўлди. Янгича ижтимоий онг, янгича ижтимоий руҳият қалбларимизда муҳрланди. Ўзбек халқининг бой маънавий қадриятлари жаҳон айвонини безади.

САККИЗ ЙИЛ... Одатан бундай шонли саналар муносиб ютуқлар, ўзгача тантаналар, алоҳида руҳият, турсандчилик шуури билан кутиб олинади. Бундай байрамлар арафасида бунёдкорлик ишлари яна ҳам қатта баракот касб этади. Юртдошларимиз айни кунларда — буюк айём арафасида бошқача кўтаринки кайфият билан меҳнат қилмоқдалар, барча жабҳаларда санага тўёна-туҳфалар тайёрлаш тадоригини кўрмоқдалар. Натижада, шаҳарларимиз, туманларимиз, қўрғонларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз, гузарларимиз қиёфаси янада ошуфта, янада гўзал, янада обод ва жозибадор чеҳра касб этмоқда.

Ана шу яратувчилик жараёнларини кенг кўламда ёритиш, кундалик янгиликлардан муштарийларни тўлиқ бохабар этиш оммавий ахборот воситаларининг бевосита вазифасидир. Шу боис «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» таҳририяти ана шундай ўзгаришлар хусусида муфассал ҳикоя қилиш мақсадида «МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН» деган янги рукн очишга қарор қилди. Чиндан ҳам истиқлол ва истиқболимизнинг ҳар бир йили ўзига хос кураш, синовлардан ўтиш, ютуқлар ва ғалабаларни қўлга киритиш, собитқадамлик билан олға юриш марраларидир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир». Тошкент вилояти эса Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртнинг бир бўлагидир. Тошкент вилоятининг ҳам ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаёти бор, республикамизда ўзига хос ўрни ва салоҳияти мавжуддир.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» йўқламасининг биринчи меҳмони — Бўстонлиқ тумани бўлди. Қуйида мазкур туман ҳаёти билан танишасиз.

ИСТИҚЛОЛ, МОҲИЯТ, САМАРА

МАМЛАКАТИМИЗ халқига эрк ва қувонч бахш этган, унутилаёзган миллий қадриятларимизни қайта тиклаган, республикамиз номини дунёга танитган, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ғурур ва ифтиҳор билан нишонлайдиган умумхалқ байрамимиз — Мустақиллик кунининг саккиз йиллиги санаси тобора яқинлашмоқда. Бу тантана муносабати билан юртимизда катта кўтаринкилик авж олди. Зиёлилар, ишчилар, хуллас, барча касб эгалари тўйга муносиб тўёна билан бориш иштиёқида юксак кайфият билан меҳнат қилмоқдалар. Ана шу вақт ичида бутун мамлакатимиздаги каби бизнинг туманимизда ҳам неча ўн йиллар мобайнида амалга ошмаган ишлар рўёбга чиқди. Қатор йўналишларда ислоҳотлар самара бера бошлади. Бу нафақат қишлоқларимиз қиёфасининг гўзаллашуви, аҳоли учун яратилаётган қулайликларда, кишилар тафаккурининг ўзгаришида, уларнинг меҳнатга янгича муносабатида намоён бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Юртбошимиз фармонилари, ҳукуматимиз қарорлари асосида туманда ишлаб чиқилган аниқ дастурга кўра қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, туманга саноатни жадал олиб кириш ва тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Энди яратилган эркинликни қарангки, чет эл сармоясини ҳаёт тарзимизга жалб этиш давлат миқёсидаги аҳамиятга молик вазифага айланди. Биз бу имкониятлардан фойдаланяпмиз. Икки йилдирки, энг сифатли қандолат маҳсулотлари билан фақат ҳудудимиздагина эмас, мамлакатимизда ҳам танилган Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси — «Конмит» фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, инглизлар сармояси кўмагида «Конвин» қўшма корхонаси ҳам иш бошлади. Унда чиқарилаётган винолар, ароқларга хорижий давлатларда ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда. Бир неча йиллардан бери «Ғазалкент» консерва заводи маъмурияти америкаликлар билан қўшма корхона очиш ниятида эди. Ўтган йили бу орзу ушалди. Ўзбекистон — АҚШ ҳамжиҳатлигида корхона 19 миллион долларлик замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Яқин келажакда энди «Ғазалкент» фирмаси деб ном олган ана шу завод ўнга яқин маҳсулотларини четга чиқаришни ҳам режалаштириб қўйди.

Тумандаги мармар заводи жамоасини италияликлар ўзларига энг муносиб шерик деб билишгач, маблағ ажратишда иккиланмадилар. Ҳозирги пайтда бу мамлакатлардан келтирилган «ақлли дастгоҳлар» ҳар хил ўлчамлардаги тошларни кесиш, сайқаллаш ва уларга нафис пардоз бериш ишларини бажармоқда.

Дастуримизда ҳар йили ишчи ўринларини кўпайтириб бориш ҳам бош йўналишлардан қилиб белгиланган эди. Ўтган йилнинг ўзида 800 ўрнига 1665 ишчи ўрни очилди. Бу ҳаракатга Омер Лутфий Алемдар раислик қилаётган ўзбек-турк қўшма корхонаси — ҳозирги «Голден-Винг» фирмаси муносиб ҳисса қўшди. Бу фирма 140 ишчини ўз бағрига олди. Туман маркази ва қишлоқларида қад кўтарган ўнлаб хусусий дўконлар, ошхоналар, савдо, маиший хизмат шохобчалари, қишлоқ врачлик пунктлари туфайли ҳам кўплаб кишилар иш билан таъминландилар.

Маълумки, туманимизда ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавот ва чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Ўтган йили қабул қилинган Ер Кодекси, деҳқон-фермер хўжаликлари, ширкатларга оид қонунларга мувофиқ бу соҳаларда ҳам ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Чорвачилик ривожланиб боряпти. Ҳозир туман хўжаликларида 25 мингта қорамол, 57 минг 895та қўй, 4 мингдан ортиқ от, 222 мингта парранда парвариш қилинмоқда. Бу рақамларни айтиш осон. Уларга эришиш қийин кечяпти. Аммо булар ортида турган меҳнат кишиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, улар орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ютуқларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгича байрамимиз — Ҳотира ва Қадрлаш куни ҳаёт тарзимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушганини, у истиқлол меваси сифатида нақадар ҳаётийлигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Бу кун туманимизда ишлаб чиқилган «Инсонга ғамхўрлик — маънавиятдир» дастурини янада бойитди. Ана шу дастурга кўра 1992-1993 йилларда 200дан зиёд оилага уй-жой қуриш учун ер ажратилган бўлса, бу эътибор кейинги йилларда ҳам давом этиб келмоқда. Хусусан, 1997 йилда туманда 26 минг 839 квадрат метр, ўтган йили 34 минг 913 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Икки йил давомида қишлоқларда 28,5 километрга газ, 28 километр масофага ичимлик суви тармоқлари тортилди. 600га яқин хонадон телефонлаштирилди.

Мустақиллик йиллари мобайнидаги самараларни ўз касбини севган, элим, юртим деб, фидойиларча ишлаётган малакали мутахассислар, тажрибали деҳқонлар рўёбга чиқармоқдалар. Шу нуқтаи назардан олганда Президентимиз қатор йирик анжуманларда, сессияларда ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ эканлигини кўп бора таъкидлаганлари бежиз эмас. Айни пайтда биз эртанги кунимиз ворислари ҳақида ҳам бугундан ўйлаяпмиз. Бу режалар «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ тарзда олиб борилмоқда. Туманда касб-ҳунар коллежи қурилиши бошлаб юборилди. Мавжуд мактабларда қатор фанлардан дарс бериш чуқурлаштирилган тарзда ташкил этилган. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда ўтаётган «Маънавият соатлари» турмушимизга файз киритди.

Ҳокимлик бўлимлари, гуруҳлари раҳбарлари, мутахассислар иштирокида бевосита жойларда ўтказилаётган мулоқотлар мавжуд муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда. Бундай йиғилишлардан биз Президентимизнинг сессияларидаги нутқларини, китоблари мазмунини оммага етказишда фойдаланяпмиз. Хусусан, республика Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзуидаги Юртбошимиз нутқларида ифодаланган устивор йўналишлар, келгуси асрдаги вазифаларни аҳолига тушунтириш учун ўқитувчилар ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, туман бўлими ва қатор жамғармалар вакилларидан иборат гуруҳ ташкил этдик. Улар жойларда суҳбатлар олиб бормоқдалар. Бундай мулоқотларни бевосита корхона, ташкилотлар ютуқлари ҳал қилиниши керак бўлган масалалар, камчиликларни бартараф этишга даҳлдор масалалар билан уйғунлаштиришга интиляпмиз. Айни пайтда нуқсонларимиз ҳам йўқ эмас. Хусусан, ижро интизомини мустаҳкамлаш, олис қишлоқлардаги чорвадорлар учун қулайликлар яратиш, мактаблар моддий базасини янада мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларда ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Биз бундан буён ҳам республикамизнинг қутлуғ байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш йўлида куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Абдуманноб АБДУВОСИҚОВ,
Бўстонлиқ тумани ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати.

«Тошкент ҳақиқати» йўқламаси

БЎСТОНЛИҚ

БУНЁДКОРЛАР

◆ ТУМАНДАГИ «Конмит» қўшма корхонасида 11 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Сифати юқори бўлганлиги учун уларга талаб катта. Шу боис, унда ишлаб чиқариш қувватлари янада оширилмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) корхона вафли цехи илғорларидан бири Флора Маҳкамова иш жараёнида.

◆ Ростдан ҳам инсоннинг қўли гул экан. Мармарни қайта ишлаш комбинати пардозловчиси Дилшод Гулметов сайқал берган нафис тошлар жилоланганда қойил қоласиз. Корхонада ўз ҳунарига меҳр қўйганлар кўп. Улар меҳнатлари билан жамиятга катта наф етказаётганларидан қувонадилар.

СУРАТДА: жилокор Дилшод Гулметов.

◆ Аёллар йилида Бибигул Турғунбоевага бахт ва омад кулиб бокди. Унинг хўрозларни ҳам йиқита оладиган бройлер товуқлари 10 мингдан 20 мингга кўпайди. Меҳнатсевар Бибигул ўн тўққиз йил давомида парранда парваришлаб, бунақа «полвон»ларни кўрмаган эди. Товуқларнинг бу зоти Голландиядан келтирилган.

СУРАТДА: (пастда) Бибигул Турғунбоева.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



● ТУМАН ҳудуди 493 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, унда 140 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

● БЎСТОНЛИҚ — мусаффо ҳаво, зилол сувлар, кумуш булоқлар, сўлим табиат маскани. Бу ерда кўплаб санаторийлар, дам олиш уйлари, соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган.

● ТУМАНДА икки йил мобайнида 61 минг квадрат метр ҳажмда якка тартибдаги турар жойлар фойдаланишга топширилди. 28,5 километрга табиий газ, 28 километрга ичимлик суви тармоқлари тортилди.

● КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастурига кўра бу ерда касб-ҳунар коллежи қурилиши ҳам бошлаб юборилди, 53та мактаб, 2та мактаб интернатнинг аксариятида моддий база мустаҳкамланди.

● ТУМАН маркази Ғазалкентда маърифатпарвар шоир Элбекка ёдгорлик ўрнатилмоқда. Яқинда адибнинг юз йиллиги кенг жамоатчилик иштирокида нишонланади.

● ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида туманда АҚШ, Англия, Италия сармояларини жалб этиш ҳисобига 4та қўшма корхона ишга тушди. Умуман, ҳудудда ўндан зиёд саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Тошни қайта ишлаш комбинатининг мармарлари бугун Италия корхоналарига кўрк бағишлаяпти. Маҳсулотга яна бир неча хорижий мамлакатлар харидор бўлиб қолишган. Улар эҳтиёжини қондириш мақсадида корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш режалаштирилди.

● ЭКИН майдони 11 минг 613 гектардан иборат бўлган мазкур туманда сувли ерлар 7246, лалми ерлар 4367 гектарни ташкил этади. Суғориладиган майдонларда ғалла ҳосилдорлиги ўтган йили гектар бошига уч центнерданга кўпайди. Ялпи ҳосил эса 11 минг 172 тоннани ташкил этди.

АЛЛОМАЛАР ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ЗАМИН

АВВАЛО, ёш авлодни маърифатли қилиб тарбиялаш, шу асосда жамият маънавиятини юксалтириш мустақил юртимиз сиёсатининг бош йўналишини ташкил этади, деб ўйлайман. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «...бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Шундай экан, Ватан, миллат манфаатлари муқаддас эканлигини ёшлар қалбига сингдириш биз маданият ходимларининг ҳам асосий бурчимиздир.

Умумбашарий қадриятларимиз ҳазинасига муносиб улуш қўшган аждодларимиз — Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованд Тоҳур, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор, Занги ота, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Элбек сингари ҳамюртларимиз сиймоларини тиклаш, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда туманимиз ва вилоятимизда иқтидорли шоир Элбек таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган тайёргарлик ишлари поёнига етмоқда. Ҳадемай, Бўстонликда шоир Элбекка аталган катта байрам тадбири бўлиб ўтади. Унга вилоятимизнинг ҳамма туман ва шаҳарларидан меҳмонлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар таклиф этилади. Шу куни Элбек ҳайкалининг, уй музейининг очилиш маросимлари бўлиб ўтади. Маданият уйларида, кутубхоналаримизда шоир ва аллома ижодига бағишланган кўргазмалар ташкил этилади. Унинг шеърлари, мақолалари, асарлари асосида таниқли шоир ва ёзувчиларимиз иштирокида адабий кечалар уюштиришни ҳам режалаштириб қўйганмиз.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши истиқлолимиз шарофати туфайлидир. Ахир ёшларимиз отаболаларининг, авлод-аждодларининг амалга оширган ибратли ишларидан фахрланмасалар, уларнинг ижодидан баҳраманд бўлиб, ўз кўзлари билан кўрмасалар кимга суянадилару кимдан ибрат оладилар.

Қолаверса, ёшларимизнинг кийиниш, муомала маданиятини мукаммаллаштирмоғимиз, китобхонлик маданиятини юқори даражага кўтаришимиз зарур, деб ўйлайман. Умуман, маънавият масаласи ҳар биримизнинг виждоний ишимизга, қалб амримизга айланмоғи шарт. Ана шундагина истиқлол қадрига етамиз ва уни ардоқлаймиз.

Шароф АДУКАРИМОВ,
Туман маданият ишлари бўлими бошлиғи.

МИЛЛИАРДЕР БЎЛДИК

Сергей МЎМИНОВ,
«Конмит» қўшма корхонаси директори:

— ИСТИҚЛОЛ турмуштарзимизни яхшилаш, фаровонликни ошириш учун катта қулайликлар яратиб берди. Илгари бирон бир хорижий давлат фирмаси ё корхонаси билан алоқа ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Ҳамма нарса тақиқланган, мабодо бу борада гап боргудек бўлса, балоларга қолинарди. Эндиликда мамлакатимизни дунё таниди. Иқтисодий, маданий ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Айниқса, Президентимиз юргизаётган оқилона сиёсат туфайли, чет эл сармоясини жалб этиб у ёки бу соҳани ривожлантиришга йўл очилганлиги ислоҳотларни жадаллаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Бундан росмана икки йил аввал Англия билан ҳамжиҳатликда барпо этилган «Конмит» номи билан аталувчи корхонамиз фаолиятида ана шу ўзгаришлар самарасини яққол кўриш мумкин.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, шеригимиз ажратган маблағ эвазига Олмония ва Австриядан келтирилган энг замонавий автомат дастгоҳлар ишончимизни тўла оқлади. Корхонада ўтган йилдан бошлаб 11 турдаги печенье, 4 хил вафли ишлаб чиқарилмоқда. 1998 йилда 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот сотдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, биз чет элликлардан аъло сифат, темир интизом, ҳалоллик ва тежамкорлик катта бойлик эканлигини ҳам ўргандик. Жамоада меҳнат қилаётган 280 нафар кишининг ҳар бири — оддий қоровулдан тортиб мансабдор шахс ҳам нафақат бирон бир килограмм, эллик грамм ўғирланган маҳсулот, ёки меҳнат жараёнида ўзини у ёққа бу ёққа ташлаганлиги учун ишдан кетишини билади.

Ана шу тартиб даромадга барака киритди. 1998 йилда соф фойданинг ўзи 146 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса Самарқандда иккита, Андижон, Термиз, Қўқонда биттадан қўшма корхона тармоқларини очиш имконини берди. Бор гапни айтай. Биз бойиб боряпмиз. Шу йил 31 май куни бўлиб ўтган жамоа йиғилишида ишчиларимизга дивиденд учун 86 миллион сўм ажратилганлигини маълум қилдик. Бу йил давомида ойига ўртача маош олиб келаётган ҳар хизматчи даромадига яна даромад қўшилади, демакдир.

Корхонамизда касаба уюшмаси қўмитаси билан бирга меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа усулларини ҳам қўллаяпмиз. Хусусан, пенсияга чиққан ишчи ойлигидан ташқари яна беш ойлик иш ҳақи билан тақдирланади. Армияга чақирилган ҳар бир ёшга энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида маблағ ажратилмоқда. Тўй-ҳашам, мусибатли кунларда ёрдам пули берилади. Ишчиларнинг оромгоҳларда ҳар йили дам олаётган 100-120 нафар болалари учун йўлланмалар бепул.

Бу тадбирлар фаолиятимизда яхши натижалар бермоқда. Айни пайтда ишлаб чиқариш тармоғимизни ҳам кенгайтиряпмиз. Қашқадарё вилоятининг Косонсой шаҳрида яна бир шохобча очиш тараддудини кўряпмиз. Бундай саъй-ҳаракатлар жамоа обрўсига-обрў қўшмоқда.

15 МИНГ ЭДИ, 80 МИНГГА ЕТДИ

Омер Лутфий АЛЕМДАР,
«Голден-Винг» фирмаси бошқаруви раиси:

— ТУРКИЯДА «Фергана-ЛТД» фирмаси бор. Раҳбарлари ишбилармон одамлар. Бир куни мен уларга Ўзбекистонда тадбиркорлик қилмоқчилигимни айтиб, қўллаб-қувватлайсизларми, деб сўрадим. Ҳамюртларим «Бажонидил, тинчлик, дўстлик барқарор жойда иш ривож топаверади», деб руҳимни кўтаришди. Ўзимга яраша маблағим ҳам бор эди. Фирма яна ёрдам кўрсатди. Бўстонлиқ туманидаги ҳозир мен раҳбарлик қилаётган қўшма корхона ўрнидаги парранда-дачилик фермаси тамомила чўкиб қолган экан. Қилинадиган ишларни чамалаб кўрдим. Қурбим етишига ишончим ҳосил бўлгач, 1997 йилда ҳамкорликда иш бошланди. Голландиядан 15 минг дона «Голден-Винг» зотли бройлер товуқларининг тухумларини сотиб олиб, жўжа очирдик. Уларни семиртириб Тошкентнинг болалар дунёси рўпарасидаги дўконимизга топшириб турдик. Ишлар юришиб кетди. Дўконда жўжалар қовуриб, қовуришга тайёрлаб сотилмоқда. Айни пайтда туман, Тошкент вилояти жамоа хўжаликларига, аҳолига истаганларича жўжалар етказиб берилаётир. Талаб ошган сайин тухум олиб келиб паррандаларни кўпайтиряпмиз. Ўтган йили 300 тонна пархез гўшт тайёрланди. Ёки 90 миллион сўмдан кўпроқ даромад топдик. Ҳозир эса 80 минг жўжамиз бор. Уларни 140 киши парвариш қилмоқда. Паррандаларга эҳтиёж катта. Демак, яна кенгроқ қулоч ёзишимизга имкониятлар очилянти.

ДАСТГОҲЛАР АҚШдан

Хайриддин МИРЗАЕВ,
«Ғазалкент» қўшма корхонаси бригадасининг бошлиғи:

— ҲАЁТИЙ тажриба энди мутлақо эскича яшаб бўлмаслигини кўрсатди. Шу боис ҳам биз чет эл сармояси асосида илгари заифлашиб қолган корхонамизнинг қаддини тиклаяпмиз. Бу мақсадда 19 миллион долларли замонавий дастгоҳлар ва ускуналар АҚШдан келтирилиб уларни ўрнатиш бошлаб юборилди. Янги технология бўйича «Ғазалкент» деб ном олган ўзбек-америка қўшма корхонамизда бу йил 766 миллион сўмлик консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Агар ўтган йили бу кўрсаткич 199 миллион сўмни ташкил этган ва у эришилган юқори натижа деб ҳисобланган бўлса, мазкур йилда янги қувватлар фойдаланишга топширилгач, бажариладиган ишлар ҳажми қанча катталиги янада равшанлашади. Бошқача айтганда илгари 30 минг тонна помидорни қайта ишлаган бўлсак, бу кўрсаткич 4-5 баравар ортади. Олмани қайта ишлаш дастгоҳларининг унумдорлиги ҳам олдингига қараганда 4-5 баравар юқори бўлади.

Мазкур йилда маҳсулот турлари янада кўпаяди, томат, олма, олча, қулупнай қиёми, карам, чеснок, ёнғоқ консервалари ёнига яна турли хил меваларидан тайёрланадиган мурабболар ҳам қўшилади. Албатта, обҳавонинг ноқулай келиши туфайли кўп меваларни совуқ уриб кетганлиги ишимизни мушкуллаштириши табиий. Лекин қараб ўтирадиган вақт эмас. Бундай офатлар содир бўлмаган туманлардан маҳсулотлар олишга ҳаракат қилиб тадбиркорликни кенгроқ йўлга қўяверамиз.

ТОЖИКИСТОННИНГ БЕҲАЛОВАТ КУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

зилишини маълум қилган эди. БТМ эса, аксинча, парламент сайловларини Президент сайловларидан олдин ўтказишни қатъий талаб қилмоқда.

Тожикистон ҳукумати томонидан эълон қилинган баёнотда таъкидланишича, бундай талаблар умумий битим тамойилларига ҳамда томонларнинг бир-бирини ошкора айбламаслик борасида олган мажбуриятларига тўғри келмайди. Бундан ташқари, мазкур талаблар тожик халқини яратувчанлик кайфиятидан тинчлик жараёни учун хавфли бўлган сафсатабозлик руҳидаги мунозараларга тортиб кетиши мумкин.

Ҳукумат томонидан тарқатилган ҳужжатда Саид Абдулло Нурий «Тожикистонда икки ойдан ортиқроқ муддат давомида бўлмагани ва бу билан Миллий ярашув комиссияси фаолиятига жиддий зарар етказгани» таъкидланган. Тожик ҳукумати эса ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариб келмоқда. Бироқ бундан фарқли ўлароқ, Тавилдара ва Ғарм гуруҳига кирувчи бошқа бир қатор туманларда БТМга бўйсунувчи ҳарбий бирлашмалар ўз фаолиятини давом эттиряпти. Шунингдек, БТМ қуролланган отрядларининг ҳаммаси ҳам ўзаро келишувга мувофиқ улар учун белгиланган жойларга кўчиб ўтмаган, мухолифатчиларнинг «катта миқдордаги қуроллари» ўзаро шартномаларда белгиланган жойлардан ташқарида сақланмоқда.

Расман эълон қилинган ўзаро келишмовчиликлар асосан ана шулардан иборат. Лекин миёсатдан озгина хабардор киши тожик мухолифати ультиматум тарзида қўяётган талаблар тагида унинг асл мақсадларини — тактик ва стратегик режаларини, Саид Абдулло Нурий бирданига нега тўнини тескари кийиб олганлигини фаҳмлаши қийин эмас, албатта.

Ультиматум шартларидан кўриниб турибдики, **БТМ учун Тожикистонда барқарорлик ўрнатиш, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўнглаш асосий масала эмас. Мухолифат етакчилари учун пировард мақсад турли йўллар билан бўлса-да, ҳокимиятнинг барча бўғинларига имкони борича кўпроқ ўз одамларини киритиш, шу йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, охир-оқибатда ҳомийлари ва раҳнамолари кўмагида давлатни диний ақидапарастлик асосида бошқариш.**

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: БТМ бундай кескин даъволар қилиш учун қаердан куч ва мадад оляпти? Улар кимнинг ноғорасига ўйнаяпти?

Бирлашган тожик мухолифати раҳбарлари ўз ғаразли мақсадларига эришиш йўлида бир қатор хорижлик ҳомийлар ва раҳнамолар кўмагига суянишяпти. **Саид Абдулло Нурий Афғонистондаги ўз вакиллари воситачилигида айрим экстремистик ҳаракатлар билан алоқа боғлаб турибди. Афғонистонда БТМ ваколатхоналари ва жангариларни тайёрлаш базалари ҳозир ҳам фаолият кўрсатяпти. Бу ерда Нурий тарафдорлари кўпорувчилик ва террорчилик сабоқларини олишмоқда.** Бундан ташқари, Саид Абдулло Нурий халқаро терроризм ҳомийси Усама Бин Ладин билан ҳам мунтазам алоқалар ўрнатган.

Бирлашган тожик мухолифатидан Покистоннинг баъзи диний партия ва ташкилотлари ҳам ёрдамини аямаяпти. **Қози Аҳмад Ҳусайн раҳбарлигидаги «Покистон ислом жамияти», «Ҳаракат ул Ансор» ва «Ҳаракат ул-Мужоҳидийн» экстремистик гуруҳлари БТМни молиявий қўллаб-қувватлаётгани ҳақида етарли маълумотлар бор.** Маблағлар Бирлашган тожик мухолифатининг Пешаводаги ваколатхонаси банк ҳисоб рақамига тушмоқда.

Табиийки, бу мадад БТМни янги бузғунчилик режаларига руҳлантиряпти. Кейинги тўрт йилда мамлакатда ўта оғир жиноятлар содир этилди. Қотиллик, террорчилик актлари, гаровга олишлар одатий воқеа бўлиб қолди. Қанчадан-қанча уйлар ёқиб юборилди, қаҳратон совуқларда одамлар бошпанасиз қолди. Бутун-бутун оилалар нобуд бўлди. Мамлакатда фаолият юргизаётган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл фуқаролари, кўзга кўринган сиёсий арбоблардан бир қанчаси гаровга олинди, қатл этилди.

Шу ўринда мухолифат жон-жаҳди билан республика Мудофаа вазири лавозимига тиқиштираётган Мирзо Зиёевнинг кимлигини кўрсатувчи баъзи маълумотларга эътибор қилинг. У «Жага» лақаби остида Бирлашган тожик мухолифати ҳарбий бирлашмаларига бошчилик қилиб келмоқда. 1996 йилнинг ўрталарида 300 нафар жангариси билан афғон-тожик чегараси орқали ўтиб, Тавилдарада ин қуриб олган. Мирзо Зиёев бошқараётган БТМ ҳарбий бирлашмалари штаби ҳам айнан шу ерда жойлашган. Мирзо Зиёев наркобизнесга алоқадорлиги билан ҳам ном қозонган. У гиёҳванд моддаларни Афғонистондан Тожикистонга олиб ўтилишини ўз назорати остида ушлаб турибди. Шунингдек, Мирзо Зиёев бошқа қонунга зид ҳаракатлар, хусусан қотиллик, одамларни гаровга олиш, босқинчилик, талончилик, қароқчилик каби жиноятларнинг ташкилотчиси сифатида ҳам танилган. Бундан ташқари у бир неча бор ҳукумат кучларига қарши амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг, турли сиёсий иғволарнинг ташаббускори бўлган. Ҳозир Мирзо Зиёевга бўйсунадиган дала командирлари республика раҳбариятига тазйиқ ўтказиш, урушни қайтадан бошлаш билан қўрқитиш орқали БТМнинг барча талаблари бажарилишига эришмоқчи.

Расмий ҳокимият ва мухолифат ўртасида юзага келган зиддият мамлакатдаги вазиятга жиддий таъсир ўтказмоқда. Катта машаққат билан эришилаётган ва жафокаш тожик халқида ҳаётнинг яна изга тушиб кетишига умид учқунларини уйғотган тинчлик жараёнини хавф остида қолдирмоқда. **Очиғини айтсак, бундай қарама-қаршиликлар муҳитида мухолифат вакиллари сиёсий товламачилик — шантаж йўли билан ҳокимиятни қўлга олишни асосий мақсад қилиб қўйгани бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди.**

Лекин масаланинг иккинчи, яъни биз ўзбекистонликларга боғлиқ томони ҳам бор. Хўш, айтайлик, Саид Абдулло Нурий ва унинг гумашталари ўз ниятларига эришдилар дейлик, кейин нима бўлади? Воқеа шундай кетса, Тожикистондаги вазиятни тасаввур қилиш қийин эмас. Бир сўз билан айтганда, бугун жафокаш афғон халқи бошидан кечираётган кулфат эрта-индин Тожикистон ҳудудида такрорланмаслигига ким кафолат бера олади? Бундан тожик халқи кўрадиган азоб-уқубатдан ташқари Ўзбекистон учун туғилиши мумкин бўлган хавф тўғрисида ҳам айтмасдан илож йўқ. **Чунки ислом ниқоби остида турли бузғунчилик ва қўпорувчилик ишларига бошқош бўлиб юрган Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош, Абдували Йўлдошевга ўхшаган ҳокимиятпараст аламзадаларнинг қуролли гуруҳлари Бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги Ҳайит, Чусал, Жирғатол, Тавилдара, Ғарм, Тожикобод каби ҳудудларда ўргимчакдек макон қуриб олганлари ҳақида аниқ маълумотлар бор.**

Рад этиб бўлмайдиган далиллар шундан гувоҳлик берадики, ўзбекистонлик экстремист ақидапарастларни БТМ ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келяпти. Улар тожик мухолифатчилари сафларида Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши ҳаракатларда иштирок этишган, тожик мухолифати жангарилари билан Афғонистонга бориб, ҳарбий лагерларда узоқ вақт тайёргарлик кўришган. Вақти-вақти билан Тожикистон ҳудудига ўтиб қўпорувчилик-террорчилик ишларида иштирок этишган. Ярашув битими имзоланган, улар Тожикистоннинг БТМ назорати остидаги ҳудудларига ўрнашиб олишди.

Шу нарса ҳам маълумки, БТМ ва Тоҳир Йўлдош ҳамда Жума Намангоний каби ақидапарастлар доимий тарзда бир-бирлари билан алоқада бўлиб, учрашувлар ва маслаҳат кенгашлари ўтказиб туришади. Қўл остидаги ҳарбий отрядларнинг биргаликдаги ҳаракат режаларини тузишади. **Сўнгги маълумотларга қараганда, шу йилнинг 11 май куни Саид Абдулло Нурий ва Тоҳир Йўлдош ўртасида навбатдаги учрашув бўлиб ўтган. Унда ҳарбий ҳамкорлик масалалари ва тожик ҳукуматига қарши ҳаракат бошлангудек бўлса, БТМ кучларига қўшилиш хусусида сўз кетган. Саид Абдулло Нурий Тоҳир Йўлдош жангариларини қурол-аслаҳа билан таъминлаш борасида кўмак беришга ваъда қилган.**

Шу йилнинг 16 май куни меҳр-шафқат, инсонийлик тушунчаларидан тамомила маҳрум бу одамхўр кимсалар ўзларининг асл башараларини, қабиҳ қиёфасини яна бир бор намоён этди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари ватангадо ақидапарастлар лагерида содир бўлган шафқатсизлик, фожеа ҳақида бонг урди. Жумладан, «Время» — «Московские новости» газетаси, «Озодлик» радиостанцияси берган хабарлар газетхонларга маълум.

Қабиҳ ниятлари йўлида ҳар қандай разилликка қодир Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний, Абдували Йўлдошевлар бир гуруҳ сафдошларидан 18 нафарини ваҳшиёна қатл этишди. Ўзлари алдаган, йўлдан урган ёш йигитларни ўзлари бўғизлашди. Қайси дину қайси эътиқодга тўғри келади бундай ёвузлик?! Маълум бўлишича, боши танасидан жудо этилган бу ўсмирлар Ватанга қайтиш ниятида бўлганлар. Эҳтимол, улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз ҳатоларини англаб, бош эгиб келганларни авф этиш тўғрисидаги қароридан хабар топишгандир. Лекин бир нарса аниқки, йўлдан адашган бу ўсмирлар Ислом динини ниқоб қилиб олган ақидапарастларнинг асл мақсадларини, жирканч қиёфаларини билиб қолишган.

Яқинда Россиянинг НТВ канали орқали 18 нафар қурбон жасади бекафан, мусулмончилик ва ҳаттоки оддий инсонийлик қоидаларига ҳам мутлақо амал қилинмай кўмиб ташланган бир уюм тупроқ тасвири намойиш этилди. Бугун ваҳшиёна қатл этилганларнинг руҳлари фарзандларини гоҳ «бизнесни ўрганишга юбордим», гоҳ «илм олишга йўлландим», деб юрган, юрагининг бир парчаси, кўзининг оқу-қораси, бу ўткинчи дунёда ёққан чироғи бўлган фарзандлари тақдирига бефарқ ота-оналарни қийноққа солмаяптимикан? Эвоҳ, аччиқ бўлса-да, айтиш керак, уларни ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган фарзандларининг уволи тутмайдими?

Жувонмарг бўлган бу йигитлар қисмати кишини қаттиқ қайғуга солади. Уларнинг мўлтираган кўзлари, илтижоли нигоҳлари, жон талвасасида ялинибёлворганларини тасаввур этиб кўринг. Уларни алдаганлар, ҳаётини сўндирганлар гуноҳининг чеки борми? Лекин яна бир савол кишини қаттиқ изтиробга солади. Бу йигитлар умри хазон бўлишида уларнинг ота-оналари, қариндошуруғлари, дўсту-ёрлари, маҳалла қўйнинг айби йўқми? Уларнинг лоқайдлиги, бефарқлиги ана шу фожеага сабаб бўлмадими? Бу оғир саволлар ўйлашга, сабоқ чиқаришга ундайди кишини. Мабодо Тожикистонда вазият ўзгаргудек бўлса, ҳатто ўз отасини ҳам бўғизлаб ташлашга тайёр эканлигини овози йиртилгудек бўлиб эълон қилаётган Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош каби қўли қон кимсалар ва улар ортида турган кучлар Ўзбекистондаги барқарорликни бузишга уринмайди, деб ким кафолат бера олади? Ахир, Фарғона водийсида рўй берган қатор оғир жиноятлар, хунрезликлар, Тошкентда содир этилган террорчилик актларининг илдизи ана шу мутаассиб қора кучларга бориб тақалиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, ҳар бир мамлакат, халқ ўз йўлини ўзи белгилайди. Аммо ўзбек халқи ён қўшни сифатида, дўсту-биродар сифатида ҳеч қачон тожик халқи тақдирига бефарқ қарай олмайди. **Тожик қувонса, ўзбек ҳам қувонади, тожик йиғласа ўзбек ҳам йиғлайди. Президентимиз «Тожик ва ўзбек икки тилда гапирувчи бир халқ», дея айтган ибора замирида катта маъно бор.**

Юртбошимиз Ислом Каримов истиқлолимизнинг илк йилларидан буён Ислом динидан сиёсий кураш йўлида фойдаланиш, дунёвий фикр, илм-фан, дунёвий турмуш тарзидан юз ўгириш, бир сўз билан айтганда, диний экстремизм ва фундаментализмнинг оғир оқибатлари тўғрисида гапириб, жамоатчилик эътиборини бу масалага кескин қаратиб келаётганлиги бежиз эмас.

Яқинда илгари эришилган келишувга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги раҳбарларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида бўлди. **Кенг кўламдаги икки томонлама муносабатлар муҳокама этилган мазкур учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирлари терроризм, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битимни имзолади. Мазкур битим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иккала мамлакат ҳудудида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.**

Ўзбек ва тожик делегацияларининг учрашуви чоғида Президент Имомали Раҳмонов икки томонлама муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қўшни Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатга юксак баҳо берди. Ишончимиз комилки, Тожикистонда фуқаролик тотувлигини сақлашга эришиш ўзбек ва тожик халқларининг манфаатларига тўла мос келади. Давлатларимизнинг мустақиллик ва минтақавий интеграция йўлидан изчил боришини таъминлайди. Ўзбек халқини ҳам, тожик халқини ҳам ўз олдига қўйган эзгу ва буюк мақсадларга эришиш йўлидан ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон қайтара олмайди.

Бизнинг ҳам дилимизда ташвиш ва оғриқ уйғотаётган мазкур мавзудаги мақоламизни «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асаридан келтирилган қуйидаги сатрлар билан якунламоқчимиз: «Огоҳ бўлинг, одамлар!», — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак!

Садриддин СУЯРОВ,
Зариф МИРЗАҚУЛОВ.

«Халқ сўзи» газетасининг 1 июнь сонидан.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳолининг иқтисодий, ижтимоий қонунлар мажмуидан ҳам етарли даражада хабардор эмасликлари оқибатида хусусий ва тадбиркорлик тизимларида ҳам муаммолар келиб чиқмоқда.

Анжуманда ёшларимизга ҳуқуқий билим бериш масаласига алоҳида тўхталинди. Сўзсиз бу иш мактабларда яхши бошланди. Лекин, унинг самараси қандай бўляпти? Ҳамма гап ана шунда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда умумтаълим мактабларида дарс бераётган 996 нафар ўқитувчининг 779 нафари ҳуқуқшунослик фанидан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлмаган фан ўқитувчилари ва ходимлардир. 63 нафар жўғрофия фани ўқитувчиси ҳам бугун болаларга ҳуқуқдан дарс бермоқда. Буларнинг ҳаммаси вилоятда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш масаласида туб ўзгариш қилишни талаб этади. Биз бугун мутлақо янги жамият қуряпмиз. Эндиликда ҳуқуқий билимларсиз, қонун ва меъёрий ҳужжатларга амал қилмай бир қадам ҳам олға силжиб бўлмайди. Бу гап энг юқори лавозимда ўтирган раҳбардан тортиб, оддий фермер, деҳқон, чорвадор, оила соҳибигача тўла дахлдордир. Ана шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий муносабатлар деган тушунча ҳар биримизнинг онгимизга кириб бормоғи керак.

Мақсадга эришиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан тортиб, барча зиёлилар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари халқнинг ичига чуқурроқ кириб боришлари зарур. Улар, мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёни, ўзгаришларнинг моҳияти, ҳуқуқий-демократик давлат тамойиллари, келгуси тараққиётимизнинг устувор йўналишлари ҳақида эркин суҳбатлар ва учрашувлар ўтказмоқлари керак.

Анжуманда «Оила, аёл ва ҳуқуқий маърифат» мавзусида сўз юритган вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси — вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева бу долзарб масала ҳақида жон куйдириб сўзлар экан, бир рақамни келтирди. Бугунги кунда вилоятимизда аҳолининг салкам 54 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 500 минг оила бор. Уларнинг 50 минги кўп болали оилалар. Хотин-қизларнинг 60 фоизи бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилади. Афсуски, уларнинг аксарияти аёлларнинг оддий ҳақ-ҳуқуқларини ҳам билмайдилар. Эътибордан четда қоладилар. Ваҳоланки, ҳар бир оилада онанинг, аёлнинг ўрни, бола тарбиясидаги мавқеи нафақат оилада, балки, жамиятда кўп нарсани белгиловчи омилдир.

Анжуманда «Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этишда ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бўлим ҳамда бўлинмаларининг ўрни» мавзусида республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори У. Бозоров, «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — қонунчиликни таъминлашнинг устувор шарти» мавзуида вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Э. Холматов, «Ҳуқуқий бузилишларнинг олдини олишда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг ўрни» мавзуида вилоят прокуроринг ўринбосари А. Холиқов маъруза қилдилар.

Конференцияда инсон, қонун, жамият, ҳуқуқий саводхонлик соҳасига оид яна қатор муаммолар, таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Улардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. Бугун ҳар бир фуқаро ўзимиз танлаган йўлнинг тўғри эканлигини, у тобора қад ростлаб бораётган мамлакатимизда бу ўзгаришларга, энг катта бойлик бўлган тинчлик, осойишталикка осонликча эришмаётганлигимизни астойдил ҳис қилишимиз, бу кенг кўламдаги ишларга — адолатли демократик давлат барпо этишдек ишга муносиб ҳисса қўшмоғимиз керак.

Шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши лозим. Бунинг учун аввало мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур» деган сўзларини яна бир бор эслайлик. Ўйлаймизки, вилоятда бўлиб ўтган бу анжуман шаҳар ва туманларда, маҳалла ва жамоат масканларида ҳам давом этиши керак. Вилоят ҳокими У. Мирзақулов таъкидлаганидек, ўтказилаётган ҳар бир йиғилиш ёки анжуманнинг таъсири одамларга етиб бориши керак. Ана шундагина ўтказилаётган йиғилишлардан кўзда тутилган мақсадларга эришамиз.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар ● одамлар ● воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆ БАНГКОКДА Жануби-шарқий Осиё Давлатлари Уюшмаси билан Оврупо Иттифоқининг савдо-иқтисодий ҳамкорликка бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

◆ НЕПАЛ қироли Бирендра Непал конгресси партияси раҳбари, 75 яшар Кришна Прасад Бхаттариани янги бош вазир этиб тайинлади.

◆ ЖАҲОН банки Индонезияга 1,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз беришга қарор қилди. Мазкур маблағ ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга ва ижтимоий суғурта тизимини мустаҳкамлашга қаратилган 2та янги лойиҳа ижросига сирфланади.

◆ ЛИВИЯ билан Жанубий Африка Республикаси ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Томонлар ўзаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида назорат қўмитасини тузишга келишиб олдилар.

◆ ИСРОИЛ ташқи ишлар вазири Ариэл Шарон «Ликуд» партиясининг муваққат раҳбари вазифасини адо этишга розилик берди. Собиқ раис — Б. Нетаняху сайловларда ютқазгач, партияга раҳбарлик қилишдан воз кечди.

◆ ГААГАДАГИ ҳарбий жиноий ишлар бўйича халқаро трибунал Югославия президенти Слободан Милошевични ҳарбий жиноятчи, деб ҳукм чиқарди. АҚШ маъмурияти С. Милошевични қўлга туширишда ёрдам берган шахсга 5 миллион доллар мукофот берилажаклигини маълум қилди.

ҚОРА КУРСИДА — ҚАТАҒОНЛИК

БУНДАН беш йил муқаддам Руандада дафъатан хунрезлик авжига чиққан эди. Ўшанда ҳокимиятни ўз қўлига олган хуту элати вакиллари бошқа халқлар, жумладан, тутсиларни қатағон қилиш сиёсатини ўтказди. Айтиш мумкинки, мазкур йил нафақат Руанда, балки, бутун Африка қитъаси тарихидаги энг машъум даврлардан бири бўлди. Оммавий қирғинлар натижасида қариб 800 минг киши нобуд этилди. Ниҳоят ҳокимият тутси элати қўлига ўтгачгина, бундай жаҳолатга барҳам берилди.

Мазкур мамлакатдаги қатағонликлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ қораланди. Натижада, оммавий қирғин ташкилотчилари ва унинг ижрочиларини суд қилиш мақсадида Руанда бўйича халқаро ҳарбий трибунал ташкил этилди. Яқинда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида тутсиларни қирғин қилишда қатнашган руандалик раҳбар шахс устидан суд жараёни бошланди.

Швейцариялик адлиячилар қатағон ташкилотчилари ва ижрочиларини судлаш учун катта тайёргарлик кўрди. Жумладан, етарли далилларни тўплаш мақсадида воқеалар содир бўлган жойларга махсус гуруҳлар юборилди. Бу эса судлов жараёнининг адолатли бўлишини таъминлаш учун етарли асос яратди.

Бугунги кунда Руандада ижрочи ҳокимият тепасида миллий яраш ҳукумати турипти. Мамлакат бош вазири вазифасини хутуларнинг республика демократик ҳаракати партияси етакчиси Пьер-Селестэн Рвигема бажармоқда. Тутси ва хутулар ўртасидаги можаролар тугагандан буён мамлакатни бошқариб келаётган мазкур бирлашган ҳукумат фаолияти элатларнинг ўзаро келишиб, давлатни идора қилиши мумкинлигига ишончли далил бўлиб хизмат қилмоқда.

ТУҒИЛМОҚДА... БЎҒИЛМОҚДА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонида хабар қилганимиздек, Россия Федерациясида Сергей Степашин ҳукуматининг иш бошлаганига атиги бир неча кун бўлди. Лекин, янги Вазирлар Маҳкамасининг ишида дастлабки қадамларданоқ мушкулликлар вужудга кела бошлади. Бунга ҳукумат тузишда Сергей Степашиннинг ёнбосувчанлиги сабаб бўлди, чоғи. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг барча вазирлари асосан президент Б. Ельцин ҳамда унинг аъёнлари томонидан белгилаб берилди.

Умид учқунлари энди кўрина бошлаганда, улар устига «жала» ёға бошлади. Бор-йўғи бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимида уч кунгина фаолият кўрсатган Михаил Задорнов истеъфога чиққанлигини эълон қилди. У бундай йўл тутганлигига сабаб қилиб, олдинги келишилган гапларда турилмаганлигини кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда, у ҳам биринчи ўринбосар, ҳам молия вазири бўлиши керак эди. Аммо, масала ўзгача тарзда ҳал этилди. Гап бошқа, иш бошқа бўлиб чиқди.

Ҳорижий оммавий ахборот воситалари шарҳчилари Россиянинг сиёсий ҳаётидаги бундай ўзгаришлардан ҳайратга тушмоқдалар. Би-би-си ахборот маҳкамаси мухбирларининг айтишича, «Россия ҳукуматини шакллантириш борасидаги тажриба ҳали жаҳон тарихида учрамаган «нодир» услубга кирар» эмиш.

ҚЎШНИЛАР ТЎҚНАШГАНДА

Мана, бир неча кундирки, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида чегара можаролари тобора авж олмоқда. Бунга Жамму ва Кашмир минтақасидаги норасмий чегарадан ўтиб, Каргали ва Драсс худудларини эгаллаб олган афғон мужоҳидларининг ҳуружи сабаб бўлди.

Бундан хабар топган Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес 48 соат мобайнида босқинчиларни Ҳиндистон худудидан улоқтириб ташлаш зарурлигини айтди. Аммо, масала, у ўйлаганчалик, осон бўлмади. 5-7 километр ичкари кириб кетган 400-500 нафардан зиёд жангарилар ўта яхши қуролланган эдилар.

Оқибатда Ҳиндистон томони тўплардан, танклардан, ҳатто, тайёралардан фойдаланишга мажбур бўлди. Покистон томони эса қўшниларнинг бундай ҳаттиҳаракатларини жиловлашга уриндилар. Натижада Ҳиндистоннинг иккита ҳарбий тайёраси ва бир вертолёти уриб туширилди. Бир нафар учувчи ҳалок бўлди, яна бири асирга олинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан яқинда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлардан катта ташвиш билдириб, ҳар икки томонни ақл билан иш тутишга, масалани сиёсий ўзанга буришга чақирди.

ХЎЖАЛОН ТАҚДИРИ ҚИЛ УСТИДА

Курд ишчилар партияси раҳнамоси Абдулла Хўжалон февраль ойида Кенияда ҳибсга олиниб, Туркияга келтирилган эди. Ўшандан буён ўтган вақт ичида у Мармара денгизидаги Имрали ҳибсхонасида сақланди. Уни қўриклаш учун фавқулодда чоралар кўрилди.

Куни кеча Туркия адлия вазири Салжуқ Ўзтек Абдулла Хўжалон устидан суд жараёни белгиланган вақтда — 31 майдан бошланганлигини маълум қилди. Шу билан бундан бир неча кун аввал миш-мишга айланган «суд жараёни кейинга қолдирилармиш» деган гапларга чек қўйилди.

«Тарихий воқеа» деб баҳоланаётган ушбу суд жараёни ҳам бояги Имрали оролида бўлиб ўтади. Курд ишчилар партияси аъзолари томонидан террорчилик ҳаракатлари уюштирилиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, ҳозир мамлакатда кенг миқёсда хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Кўринишдан суд жараёнида А. Хўжалон энг олий жазо — ўлим хавфидан қутула олмаса керак. Жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари ана шундай фикрда турибдилар. Яна ким билади, дейсиз?..

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

◆ РОССИЯНИНГ Челябинск шаҳри шифокорлари, айтиш мумкинки, мўъжизавий натижага эришдилар. Гап шундаки, 48 яшар хастанинг тили саратон (рак) касалига мубтало бўлганидан сўнг у деярли ажал чангалига тушиб қолган эди.

Бироқ, шифокорлар ҳали тиббиёт тарихида учрамаган тажрибага қўл урдилар. Касал тилининг бир қисми жароҳат билан бирга кесиб олинди. Унинг ўрнига эса елкадан тери билан бирга кесиб олинган эт уланди. Буни қарангки, мўъжиза юз берди. Ҳаста секин-асталик билан яна гапира бошлади. Шифокорларнинг айтишича, у яқин кунларда ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади.

◆ ҲИНДИСТОННИНГ Лакнау шаҳрида ғаройиб ходиса рўй берди. «Дамини» лақабли филнинг кўзи ёрий бошлади. Унга унинг «дугонаси» «Чампакали» доялик қилмоқчи бўлди. Аммо, туғиш пайтида Дамини ўлди, чақалоқ ҳам дунёга келмай, жон берди. Чампакали бир неча кун аза тутди. Ейиш, ичишдан воз кечди. Ҳайвон дўхтирлари уни укол қилиб, қувватлантирмоқчи бўлдилар. Аммо, «дугонаси»га бўлган муҳаббат устун чиқди. 24 кундан сўнг Чампакали ҳам у дунёга рихлат қилди... Мана буни чинакам садоқат деса бўлади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«Алпомиш» достонининг катта тўйи олдидан

ХУШ КЕЛДИНГОВ, ЭЛИМОВ, АЛПОМИШНИНГ ТЎЙИГА

ХАЛҚНИНГ юзини, ўзлигини белгилайдиган олий саодатлари бўлади. Бундоқ тизим ичида ҳазрати соҳибқирон Амир Темур, ҳазрати Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Ҳожа Аҳрор Валий сингари юзлаб Тангри ёрлақаган зоти бобаракотларнинг муборак исми-шарифларини зикр этишимиз мумкин. Не ажабки, бундоқ саодатлар ичида халқнинг ўлмас ижоди бўлган қўшиқлар, достонлар ҳам бор. Тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, завқ-шавқ билан куйланиб келаётган «Гўрўғли», «Алпомиш» достонлари беғубор бир кўзгудир.

Бу йил юртимизда ўтказилажак улкан тадбирлар тизимида октябрь ойида тантана қилинадиган «Алпомиш» достонининг қутлуғ тўйи ҳам борлиги ўлмас ижод намунасининг қадру-қимматини белгилаб турипти. Тадорукнинг биринчиси Сурхон воҳасида бўлиб ўтган эса, иккинчиси, вилоятимизнинг Паркент туманида ўтган ҳафтанинг жума куни нишонланди.

Кесганжар яйловлари, адирлари азал-азалдан сирлилиги, маҳобати билан паркентликларни ўзига ром этиб келади. Бу ердаги икки қирнинг тепасида қатор ўтовлар тикилди. Гиламу полослар тўшалди. Кўша-кўша дошқозонлар осилди. Учоқларда ўтлар гуриллади. Мезбонлар қимизларни шопирдилар, меҳмонлар эса маъракага шошилдилар. Ҳаш-паш дегунча достонда куйланганидек, «ўн минг уйлик» одамлар йиғилди. Паркент тумани ҳокимлиги ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган бу маърака ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Бутун Кесганжарни карнай-сурнай, ноғораларнинг садоси зириллатиб юборди. Катта томоша шу тариқа бошланди. Теваракни тўлдириб, жарчининг (бугун бу иш Маҳмуд Тоировнинг чекига тушди) овози янгради:

Хуш келдингов, элимов,
Алпомишнинг тўйига,
Келавергил, жўр бўлгил,
юртнинг кўҳна куйига.
Мардлар азал-азалдан достон
бўлиб яшаган,
Фақир бўлса ҳам полвон,
султон бўлиб яшаган.
Бу дунёда бандага Худодан
хуш на бордир?!
Дуо қилгил элимов, дуодан хуш
на бордир!
Юртбошимнинг ёнида
Алпомишлар яшасин,
Қадамини ҳар ўғлон фақат олдга
ташласин.
Барчинойдек онаси
бўлган элат кам бўлмас,
Ҳурлик ичра толеи кулган элат
кам бўлмас.
Бойчибори бор йигит
эл ичида бек бўлур,
Бахшисининг қўшиғи дил
ичида кўрк бўлур.
Хуш келдингов, элимов,
Алпомишнинг тўйига.
Келавергил, жўр бўлгил,
юртнинг кўҳна куйига.

Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Туроб Холтоев тантанани бошлар экан, Алпомиш юртимиз ўғлони эканини, мамлакатимиз алплар диёри эканини таъкидлади. «Бизнинг ҳар бир қизимиз Барчиной, ҳар бир ўғлонимиз Алпомиш, — деди у, — Алпомишлар Ватанининг эса иқболи баланд, кўкраги тоғдек юксак бўлади».

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик бўлим мудири ўринбосари, таниқли шоира Турсуной Содиқова ўз сўзида тарбиянинг қанчалар муҳимлиги, Алпомишларнинг, Барчинойларнинг бўй кўрсатиши шу тарбиянинг меваси эканлигини тўлқинланиб гапирди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти директори, профессор Тўра Мирзаев Тошкент вилоятида ҳам Алпомишни куйлаган бахшилар бўлганлигини қайд этиб ўтди. Бердиёр Пиримқул ўғлидан достоннинг бир варианти ажойиб ўзбек маърифатпарвари Абдулла Алавий ёзиб олгани, у бу йил биринчи марта чоп этилаётганини, достонда айтилишича, Алпомишнинг юрти Шошикент эканлиги хусусида тўхталди.

Чори бахши ва Машариф бахшилар қўлида дўмбираси билан ўртага чиққанида икки қирни тўлдириб ўтирган одамлар уларни қизғин кутиб олдилар. Икки бахши бири олиб, бири қўйиб, достондан парчаларни ажиб бир ҳарорат билан куйлашди. Дам сойдек шарқираб, дам сокинлик билан ҳавога учаётган оҳанглар тингловчиларнинг юрагига бориб тегарди. Дўмбиранинг сеҳрли садолари остида айтилган достон барчани ўзига асир этгани муқаррар эди. Бири 77, бири 78 ёшли икки бахшининг халқимизнинг асл дурдонасини авайлаб сақлаб келаётганига таҳсинлар айтмай иложи йўқ эди, кишининг. Айниқса, Бойчиборни таърифлаб айтилган:

Қўлтиғида икки газдан қаноти.
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти,

сатрлари ҳаммага ёқиб тушди.

Шундан сўнг хушовоз хонанда Абдулҳай Каримов ижро этган «Яхши хотин», «Тўй бола» каби эҳтиросли қўшиқлардан кейин спорт ўйинлари бошланди. «Бойқозон» ширкат хўжалиги, пойга ишқибозлари бўлган айрим одамларга атаган совринлари учун от пойгаси бошланди. Сувлиқини чайнаб, ер тепиниб жайнаб турган тулпорлар марра сари интилди. Худди Бойчибордек келбатли отлар икки қирнинг орасидаги кичик водийни гулдуросга тўлдирди. Чиндан ҳам:

От чопса гумбурлар тоғлар дараси,
Пойгада билинар йигит сараси

деб куйланганидек, энг сара пойгачиларга совринлар топширилди.

Тантана энг қизиган пайтида Алпомиш ўз йигитлари билан қирда пайдо бўлди. Иккинчи қирда эса қиркин қизлар билан Барчиной кўринди. Барчинойнинг истаги билан Алпомиш пойгага бориб қўшилди ва энг катта соврин эгаси бўлди. Иккинчи синовда эса Алпомиш водийнинг ўртасида доира ясаб ўтирган «алплар» — курашчилар билан арқон тортишди, бел олишди, бирин-кетин уларнинг курагини ерга текизди. Худди шу лаҳзада достондаги:

Алп Қоражон бир
шумликни бошлади,
Кўкаманни кўкка отиб
ташлади,

сатрлари кўпчиликнинг ёдига тушган бўлса, ажаб эмас. Икки синовдан ўтган Алпомиш от ўйнатиб, Барчиннинг ҳузурига чиқди. Байрам шодиёнасининг энг ҳаяжонли лаҳзалари бўлди.



Алпомиш шарафига улоқ бошланди. Чавандозлар ўзларининг тулпорлари билан, чинакам мардлар ворислари эканлигини исботлаш учун майдонга отилдилар. Отлар кишнаган, ким улоқни ушлаган, ким кўнглини хушлаган, ким рақибини тузлаган, ким ғолибликни кўзлаган, хуллас, бутун эҳтиросларга майдонда эди. Биринчи совринларни олган ғолибларни қутламоқ учун карнай-сурнайлар варанглаб, ноғоралар тараклади.

Шу куни минглаб одамларнинг кўзларида мустақиллик берган саодатдан бахтиёрликни кўрдик. Ахир эллигинчи йилларда бойваччаларнинг достони, Алпомиш ва Барчиной муҳаббати бўлмағур муҳаббат, деб четга суриб ташланган достон истиқлолимиз туфайли яна халқимиз бағрига қайтди.

Айниқса, икки кишининг: «Зўр бўлди, жуда зўр бўлди», «Зўрнинг тўйи зўр бўлади-да!» деган суҳбати шу кунги хурсандчиликнинг моҳиятини тўла ифодалаб беради. Алпомиш берган бу шодиёна, бу ғурур, бу шукуҳ чавандозлар юрти, полвонлар юрти бўлган Паркентда узоқ кезиб юришга ишончимиз комил.

Алпомиш тўйига бағишланган шодиёналарда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев иштирок этди.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Суратда: Паркентдаги маъракадан лавҳа.

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН СПОРТ МАЙДОНИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларида ҳабар берганимиздек, Тошкентда бир вақтнинг ўзида ўтказилган иккита ҳалқаро спорт мусобақалари 30 май куни ниҳоясига етиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Эътироф этиш керакки, ҳар икки ҳалқаро турнирда ҳам ўзбекистонлик спортчилар мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Уч кундан сўнг эса, Ватанимиз пойтахтида яна бир халқаро турнир — аёллар ўртасида теннис мусобақаси старт олади.

КУРАШ

ЭРКИН курашчиларимиздан Игорь Купеев, Руслан Хинчагов, Аслан Санакаев XIII Осиё чемпионати ғолиби бўлгани, бундан ташқари вакилларимиз яна иккита кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритганлари ҳақида аввал ҳикоя қилган эдик. Полвонларимиз юнон-рум усулидаги беллашувларда ҳам рақибларидан бўш келмадилар. Олти нафар вакилимизнинг финалга йўлланма олганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди. Бироқ финалда биргина полвонимиз Шуҳрат Саъдиев соф ғалабага эришиб, олтин медал соҳиби бўлди. Муҳими шундаки, курашчиларимиз мамлакатимизнинг медаллар шодасига яна 6та кумуш ва 2та бронза медалини қўшиб, умумкоманда ҳисобида ғолибликни таъминладилар.

Ушбу чемпионат таркибига киритилган аёллар кураши японияликларнинг устунлигида ўтди, дейиш мумкин. Улар фақат 68 килограмм вазнли курашчилар бахсидагина мағлубиятга учраб, қолган 5та вазнда ғолибликка эришдилар. Бу борада ҳали яхши тажрибага эга бўлмаган аёл курашчиларимиз совринли ўринларга даъвогарлик қила олмадилар.

ВОЛЕЙБОЛ

ВОЛЕЙБОЛЧИ қизларимиз эришган ғалаба, айниқса, кувончли бўлди. Уларнинг ушбу халқаро турнир мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўрганликларини илгариги хабарларимизда таъкидлаган эдик. Терма жамоамиз аъзолари буни амалда исботладилар. Улар фақат россиялик рақиблар билан бўлган учрашувда биттагина партияни бой бериб, 3:1 ҳисобида ғолиб келган эдилар. Қолган барча рақиблари — Япония, Қозоғистон, Қирғизистон терма жамоаларини 3:0 ҳисобида енгиб, мухлисларини хушнуд этдилар.

Ҳужумчимиз У. Хўжаеванинг кучли зарбаларини, М. Мартиненко, Е. Корчагина, Е. Жаҳонгироваларнинг ҳимоядаги маҳоратларини, ёш волейболчиларимиз Т. Величко ва О. Рублёваларнинг чаққон ҳаракатларини ишқибозлар тинимсиз олқишлаб турдилар. Японияннинг «Микаса» фирмаси кубогининг Ўзбекистонда қолишида ана шу волейболчиларимизнинг хизматлари, айниқса, катта бўлди.

ТЕННИС

ТОШКЕНТДАГИ «Динамо» спорт мажмуининг теннис кортларида «Тошкент-опен» халқаро турнирининг очилишига уч кун қолди. Ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш учун ташриф буюрадиган 32 нафар спортчи сафида кўплаб номдор теннисчиларнинг борлиги курашнинг кескин ва қизиқарли ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Ўзбекистонлик теннисчилардан Ирода Тўлаганова, Лилия Бектякова ва Наталья Никитина ҳам турнирда иштирок этадилар. Биз уларга омад тилаймиз.

Футбол

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

ОЛИМПИЯ ўйинлари саралаш учрашувининг жавоб ўйинида худди шундай натижа қайд этилди. Биринчи учрашувда Ўзбекистон ўз майдонида қозоғистонликларга 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган Ўзбекистон терма жамоаси Олмаотадаги жавоб учрашувини ҳам 1:3 ҳисобида бой бердилар.

Шундай қилиб, бу гуруҳда 10 очко билан Қозоғистон жамоаси карвонбошилик қилиб келмоқда. Шу куни ўтказилган иккинчи саралаш учрашувида Қирғизистон терма жамоаси Туркманистон футболчиларини қабул қилиб 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — ЛИВАНДА

Осиё футбол федерацияси қарорига мувофиқ 2000 йилда ўтказиладиган қитъа биринчилиги Ливанда ўтказилади.

Бу мусобақада Осиёнинг 44 давлати иштирок этиш истагини билдирган. Мусобақалар шу йилнинг 3 августидан бошланади. Финал босқичида эса фақат 12 жамоа иштирок этади. Икки жамоа ҳозирча маълум. Бири Осиё чемпиони Саудия Арабистони, иккинчиси Ливан терма жамоасидир. Қолган 42 давлат 10та ўрин учун бахс юритади. Ўзбекистон терма жамоаси учинчи гуруҳда Бирлашган Араб Амирликлари, Бангладеш, Ҳиндистон, Шри-Ланка терма жамоалари билан куч синашадилар. Эслатиб ўтамиз. Ҳар бир гуруҳ ғолибигина финал босқичига йўлланма олади.

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ

Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон кубоги бахсларининг қуйидаги учрашувлари ўтказилди.

Унда «Шўрчи» «Металлург»ни қабул қилиб 3:1 ҳисобида ғалабага эришди. «Нефтчи», «Пахтакор» жамоалари ҳам худди шундай ҳисоб билан рақиблари «Шўртан» ва «Сирғали»ни мағлуб этдилар. «Қува» — «Хоразм» учрашувида 2:1 ҳисоби қайд этилди. «Ғазалкент» олий табақанинг кучли жамоаларидан бири «Темирйўлчи» устидан 4:2 ҳисобида ғолиб чиқди.

Талъат ЮСУПОВ.

НАФСНИНГ ҚУЛИ

Кунлар исиб кетди.

— Совуқ жойларга учмасак ҳолимиз вой бўлади, — деди дарахт шоҳларига қўнган қарғалардан бири.

Қарғалар ғалалашиб учиши билан, бири ортда қола бошлади.

— Кузда ерга кўмиб беркитган ёнғоқларимни топиб еб олай. Сўнгра сафдошларимга етиб оларман, — деб ўйлади ўзича. Ёнғоғини излай-излай топиб, еяётганда, қамишзордан юғуриб чиққан тулкига ем бўлди.

Нафсига қул бўлган яхшилик топмас.

МУНОФИҚЛАР

Олақанот сўридаги бир бош узум ғужумларини бутунлигича ютаётган эди. Бирор шарпа сездими, яқинроқдаги дарахтга учиб ўтди. Қолган ғужумларни эса чумчуқ чўқиркан:

— Бу бошдаги ғужумларнинг кўпини олақанот ютган бўлса керак. Мен ютоққан эмасман. Ғужумларни чала-чулпа чўқиб, ари, қўнғизларга ҳам қолдираман, — деди чирқиллаб.

— Чўқиганларингнинг ҳаммасини улар ермиди? Кўпи сасиб қолади. Ғужумларни бутунлигича ютишим шундан, — дарахтда писмайиб ўтирган олақанот ўзиникини мақуллади.

Қизиқ, шу топда қушларнинг ҳаёлларида узумзор гўё ўзларига қарашлиги, ҳосилини тотишда бир-бирларидан айб қидиришарди!

БОҒ ВА ДОҒ

Оқар сувнинг шарқираб оқишидан ўзимни енгил ҳис қиламан. Назаримда у тиним билмас жафокаш меҳнатчи. Ўзидан гўзаллик, боғ қолдиряпти.

Кўлмакни кўриб эса оғир тортаман. Феълим бузилади. Назаримда у «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» ҳаёли билан ялпайиб ўтирган гирт ялқов. Ўтирган жойида чивинлари гувиллаб учган қўланса ҳидли ботқоқ-доғ қолдиряпти.

Боғ қолдирган раҳмат олар,
Доғ қолдирган нафрат олар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Митти ҳикоялар

ЧАНГЛАР

Шамол ҳовли, жойлардаги чангларни тўзитиб, юқорига кўтарди.

— Бормисан-а, ҳаволаниб яйрайдиган бўлдик, — шамолдан миннатдор бўлди дарахтга ёпишган чанглар, — бўлмасам ерда ётаверардик эзилиб.

— Дам ўтмаёқ шамолнинг кетидан шивалаб келган ёмғир дарахт ва томларни ювиб, тозалаб ўтди.

Шамолнинг кучидан юқори кўтарилиб, ғурурланган чанглар ариқларда лойқа бўлиб оқдилар.

ЭГРИ ЙЎЛ

Ёғочни эндигина кемтишга тушган қурт пармани кўриб билонглаб қолди:

— Келмасанг ўзим ҳам тешардим.

— Ёғочни увол қиласан. Негаки, тешиш йўлинг ҳарён-эгридир. — деди парма ишга тушаркан. — Яхшиси эгам келмасдан тезроқ қочиб қол.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОРБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

АТ «Тадбиркорбанк» бошқаруви илгари чиқарилган, номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган оддий ва имтиёзли акцияларнинг бекор қилинишини ва уларнинг янги чиқариладиган номинал қиймати 1000 (минг) сўм бўлган акцияларга алмаштирилишини маълум қилади. Алмаштириш 10 дона 100 сўмлик акция ўрнига 1 дона 1000 сўмлик акция бериш йўли билан амалга оширилади.

Акциялар АТ «Тадбиркорбанк» Тошкент вилоятининг барча бўлимларида алмаштирилади. Акцияларни алмаштиришга оид барча саволлар бўйича АТ «Тадбиркорбанк»нинг акциядорлар рўйхатга олинган бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефон: 132-16-35.

АТ «Тадбиркорбанк» бошқаруви.

Келинг, кулишайлик

МУАММО

— Кечаси билан чироғинг ўчмади. Тинчликми ишқилиб?

— Эртага хотиним дам олишдан қайтади. Нега чироқни кам ишлатдинг деса нима дейман?!

ҲОЖАТИ ЙЎҚ

— Зинамиз баланд, мен чироқ ёқиб юборақолай, — деди уй эгаси меҳмонга.

— Ҳожати йўқ, мен аллақачон пастда ётибман, — деди меҳмон.

ҲАЙРАТ

Ярим кечаси хотин эрини уйғотибди.

— Турақол, жонгинам. Эй, турсанг-чи...

— Нима гап? — сўрабди эри зўрға кўзини очиб.

— Ҳеч нима, — дебди хотини, — бир нарсага ҳеч тушунолмаяпман: шунақанги кам маош олиб, қандай қилиб хотиржам ухлайсан-а?..

ТОҚАТИ ЙЎҚ

— Биламан, мени ёмон кўрасиз, — деб бақирди холливудлик кино юлдузи бўлган хоним режиссёр билан уришиб қолиб, — ўлимимни кутяпсиз. Мен ўлсаму, қабримга бориб тупурсангиз...

— Асло, Худо сақласин! — деди режиссёр хотиржам, — узундан-узоқ навбатга туришга сира тоқатим йўқ.

СОҒИНЧ

Савдогар ресторанга кириб, хизматчи хотинни чақирди:

— Хизмат, жаноб.

— Менга тухумни қоп-қора қилиб қовуриб келинг. Картошкани шундай қовурингки, у тошдек қотсин. Шундай қаҳва олиб келингки, у бадбўй бўлсин. Кейин рўпарамда ўтириб, бўлмағар нарсалардан гапиринг.

— Нега, жаноб? — ҳуши бошидан учиб сўради хизматчи аёл.

— Биринчи хотинимни соғиндим.

ТИНЧЛАНТИРИШ

Қимор ўйини ярим кечагача давом этди.

— Йиғиштирларинг! — деди уй эгасининг хотини, — бизнинг уй қиморхона эмас.

— Бу уй энди бизники эмас, — деди хотиржам уй эгаси.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 2-6 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Кечалари 12-17, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ, шу даврнинг иккинчи ярмига бориб ҳаво ҳарорати бироз кўтарилади. Кечалари 14-19, кундуз кунлари эса 33-35 даража иссиқ бўлади.

МИРОБОД туманидаги «Талисафет компани» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида 173-10-96 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

МИРОБОД туманидаги «Талисафет компани» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қуйичирчиқ тумани ҳокимлиги жамоаси ҳоким вазифасини бажарувчи У.Б.Атемовга укаси **Бакир АТЕМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0443. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: ВЕЛИКАНОВ Николай. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 21. 30. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5 6